



## Савол:

Ассаламу алайкум ҳурматли биродарлар сизлардан роббил алабийн ўзи рози бўлсин. Ман сизларга бир нарсанинг фатвосини беришингларни сўрайман кока кола, пепси кола, монтаин дю тўғрисида ва спрайт ва фанта яъни шу нарсалар тўғрисида аниқ бир ҳужжат керак ичиш мумкин ёки мумкин эмас

## Жавоб:

Ва алайкум ассалам. Биродар, сиз сўраган ичимликларнинг ҳаммаси “нарсалар аслида ҳалолдир” деган қоидага биноан уларнинг ҳаромлиги аниқ бўлгунига қадар ҳалол ичимликлар ҳисобланади. Уларни ҳозиргача бирон олимнинг ҳаром дегани ҳақида билмаймиз. Лекин одамлар орасида пепси ва бошқа баъзи ичимликларга чўчқанинг ошқозонидан олинадиган ҳазм қилишга ёрдам берадиган модда қўшилади, деган гап юради. Бу ҳозиргача илмий исботлангани йўқ. Шунга кўра ким бу ичимликлардан тақво юзасидан тийилиб турса яхши, лекин уларни ҳаром деб фатво беришга ҳозирча аниқ далил йўқ. Бироқ, кўпчилик уламолар бу ичимликларни (ичишдан эмас) сотиб олишдан қаттиқ қайтарганлар, сабаби, бу ичимликлар яҳудийларга тегишли фирмаларда ишлаб чиқарилади. Яҳудийларнинг қилаётган ишлари ҳаммага маълум. Уламоларнинг қайтаришларидаги иллат; яҳудлар бу пулларга қурол-аслаҳа, ўқ-дори сотиб олиб мусулмонларни ўлдирмокда, ҳар бир шу ичимликлардан сотиб олувчи одам уларга шу қилаётган ишларида ёрдам берувчидир дейдилар. У одам буни хоҳласин хоҳламасин бу кўриниб турган аниқ ишдир. Шунинг учун баъзи олимлар америка ва яҳудийларнинг барча молларини сотиб олишни ҳаром дейдилар. Валлоҳу аълам. Аллоҳ барчамизни ўз ҳидоятида собитқадам қилсин!